Tadqiqot uz

ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 11 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 11

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 11

ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№11 (2026) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-11

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O‘zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)

Sattorov Abdug‘affor
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxanova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Nematov Jo‘rabek Nematilloyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O‘zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O’zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O’zbekiston)
Peshkova Xristina Vyachesloavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Ro‘zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O’zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО, АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW, ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O’zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O’zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O’zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Muxamedov Xaydarali Meliyevich
Yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)

12.00.06 - ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР ҲУҚУҚИ. АГРАР ҲУҚУҚ. ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚ / ПРИРОДОРЕСУРСНОЕ ПРАВО; АГРАРНОЕ ПРАВО; ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРАВО / NATURAL RESOURCE LAW; AGRARIAN LAW; ENVIRONMENTAL LAW

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)

Jo‘rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Nurmatov Mirg‘olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Yeshanova Dauletbike Ametbekovna
Yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (O'zbekiston)

12.00.07 - СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. АДВОКАТУРА / СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. АДВОКАТУРА / THE JUDICIAL AUTHORITY. PROSECUTOR SUPERVISION. ORGANIZATION OF LAW ENFORCEMENT ACTIVITIES. ADVOCACY

Po‘latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

12.00.08 - ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ / УГОЛОВНОЕ ПРАВО И КРИМИНОЛОГИЯ; УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО / CRIMINAL LAW AND CRIMINOLOGY; CRIMINALLY-EXECUTIVE LAW

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Rozimova Qunduz Yuldashevna
Yuridik fanlar doktori, dotsent (O’zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o‘g‘li
yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (O’zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog‘iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo‘shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O‘zbekiston)

12.00.09 - ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА. ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ / УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС, КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА / CRIMINAL PROCEDURE, CRIMINALISTICS, OPERATIVE-SEARCH LAW AND JUDICIAL EXAMINATION

Inog‘omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
To‘laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O’zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog‘iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

12.00.10 - ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ / МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВО / INTERNATIONAL LAW

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germanya)

MUSAHHIH: NURMUHAMMAD HAMIDOV

DIZAYN - SAHIFALOVCHI: XURSHID MIRZAXMEDOV

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Овулов Пўлатжон Илҳом ўғли
ДАВЛАТ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ.....5

2. Рашидова Шахзода Раимовна
ИНСТИТУТ СЕМЕЙНОЙ МЕДИАЦИИ: ПРАВОВОЙ ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА И АРАБСКИХ СТРАН (ОАЭ И ЕГИПТА).....20

3. Raximov Dilmurodjon G‘ulomjon o‘g‘li
DAVLAT FUQAROLIK XIZMATCHILARINI ENG MUHIM SAMARADORLIK KO‘RSATKICHLARI ASOSIDA BAHOLASH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH.....27

4. Максумова Наргиза Алишеровна
ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРИЗНАНИЯ ИМУЩЕСТВЕННЫХ ПРАВ ПО ДОГОВОРУ ДОЛЕВОГО УЧАСТИЯ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ ОБЩИМ ИМУЩЕСТВОМ СУПРУГОВ.....39

5. Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна
РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ҲУҚУҚИЙ ЧЕГАРАЛАР, НОТАРИАЛ ТАРТИБ ВА НИЗОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.....47

6. Turayev Jo‘rabek Shonazarovich
ICHKI ISHLAR ORGANLARIDA JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHNING ZAMONAVIY BOSQICHI: RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR, OCHIQLIK VA JAMOATCHILIK ISHONCHI.....58

7. Akramova Muazzam Turdiqul qizi
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT QONUNCHILIGIDA TIJORAT TASHKILOTLARI MANSABDOR SHAXSLARINING KORRUPSIYAGA OID JINOYATLAR UCHUN JAVOBGARLIGI.....65

8. Nodirov Muzaffar Akhmadovich, Nurmukhamedov Sardorbek Elmuradovich
ARTIFICIAL INTELLIGENCE AND CRIMINAL LIABILITY: CAN ARTIFICIAL INTELLIGENCE SYSTEMS BE SUBJECTS OF A CRIME?.....74

9. Saidov Olim Chorikulovich
BOSHQA HUQUQIY OILALAR VAKILLARINING TAJRIBASI VA O‘ZBEKISTON UCHUN IMPLEMENTATSIYA STRATEGIYASI.....83

10. Seytnazarov Qurbanbay Reyimbayevich
MDH MAMLAKATLARI JINOYAT ISHLARI BO‘YICHA SUD ISH YURITUVIDA TORTISHUV INSTITUTI.....90

11. Умаров Бахтиёр Усмонович
ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ АСПЕКТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СОХРАННОСТИ ЦИФРОВЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ.....96

12. Бабаева Иродахон Эркинжон кизи
ФОРМИРОВАНИЕ ПРАВОВОЙ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....104

ISSN: 2181-9130
www.tadqiqot.uz
ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна,
“Оила ва гендер” илмий тадқиқот институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлар доктори (DSc), доцент
E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ҲУҚУҚИЙ ЧЕГАРАЛАР, НОТАРИАЛ ТАРТИБ ВА НИЗОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

For citation: Saydivalieva Khurshida Khodjiakbarovna. IMPROVING FAMILY LAW AGREEMENTS IN THE DIGITAL AGE: LEGAL LIMITS, NOTARIAL PROCEDURES AND DISPUTE PREVENTION. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 11.

http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.24167455

АННОТАЦИЯ

Мақолада рақамлаштириш шароитида оилавий-ҳуқуқий шартномаларни такомиллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, илмий ёндашувлар ва хорижий тажриба асосида таҳлил қилинган. Хусусан, оилавий-ҳуқуқий шартномаларнинг ҳуқуқий табиати, никоҳ шартномаси ва бошқа оилавий келишувларнинг ўзаро фарқлари, шартнома эркинлигининг ҳуқуқий чегаралари, рақамли активларнинг эр-хотин мулкий муносабатларидаги ўрни, никоҳ шартномаларини масофавий нотариал тасдиқлаш тартиби, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш, оилавий низоларни ҳал этишда медиация ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилган. Таҳлил натижалари асосида оилавий-ҳуқуқий шартномаларни рақамлаштириш жараёнида тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, нотариал тартиб-таомилларни такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда низоларнинг олдини олишга қаратилган илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: оилавий-ҳуқуқий шартнома, никоҳ шартномаси, рақамлаштириш, нотариат, ҳимояланган автономия, рақамли активлар, медиация, шахсга доир маълумотлар.

Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна,
Начальник отдела Научно-исследовательского института «Семья и гендер»,
доктор юридических наук (DSc), доцент
E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СЕМЕЙНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ: ПРАВОВЫЕ ПРЕДЕЛЫ, НОТАРИАЛЬНЫЙ ПОРЯДОК И ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ СПОРОВ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы совершенствования семейно-правовых договоров в условиях цифровизации на основе анализа законодательства Республики Узбекистан, научных подходов и зарубежного опыта. В частности, исследуются правовая природа семейно-

правовых договоров, разграничение брачного договора и иных семейных соглашений, правовые пределы свободы договора, место цифровых активов в имущественных отношениях супругов, порядок дистанционного нотариального удостоверения брачных договоров, защита персональных данных, а также возможности применения медиации и технологий искусственного интеллекта при разрешении семейных споров. По результатам проведённого анализа разработаны научно-практические предложения, направленные на защиту прав и законных интересов сторон в процессе цифровизации семейно-правовых договоров, совершенствование нотариальных процедур, обеспечение информационной безопасности и предупреждение споров.

Ключевые слова: семейно-правовой договор, брачный договор, цифровизация, нотариат, защищённая автономия, цифровые активы, медиация, персональные данные.

Saydivalieva Khurshida Khodjiakbarovna,
Head of department of the scientific research institute "Family and gender",
Doctor of Science (DSc) in Law
E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

IMPROVING FAMILY LAW AGREEMENTS IN THE DIGITAL AGE: LEGAL LIMITS, NOTARIAL PROCEDURES AND DISPUTE PREVENTION

ANNOTATION

The article examines issues related to improving family law agreements in the context of digitalisation, drawing on an analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan, scholarly approaches, and international experience. In particular, it explores the legal nature of family law agreements, the distinction between marital agreements and other family-related arrangements, the legal limits of contractual freedom, the role of digital assets in spouses' property relations, procedures for the remote notarisation of marital agreements, personal data protection, and the potential use of mediation and artificial intelligence technologies in resolving family disputes. Based on the analysis, the article puts forward scholarly and practical proposals aimed at protecting the rights and legitimate interests of the parties in the digitalisation of family law agreements, improving notarial procedures, ensuring information security, and preventing disputes.

Keywords: family law agreement, marital agreement, digitalisation, notarial certification, protected autonomy, digital assets, mediation, personal data.

Рақамлаштириш жамият ҳаётида ахборот алмашиш тезлигини оширадиган техник жараён бўлибгина қолмай, мулкий муносабатларни расмийлаштириш, ҳуқуқий мажбуриятларни бажариш ва низоларни ҳал қилиш усулларини қайта шакллантирувчи ижтимоий-ҳуқуқий омил ҳамдир. Оила институти бундай ўзгаришлардан четда қолмаяпти: эр-хотин масофадан туриб умумий бюджетни юритмоқда, рақамли платформаларда тадбиркорлик қилмоқда, электрон хизматлардан фойдаланмоқда ва ўзаро мажбуриятларини онлайн муҳитда мувофиқлаштирмоқда. Бироқ технологиянинг қулайлиги ҳуқуқий оқибатларнинг ўз-ўзидан аниқлашишини англатмайди. Айниқса, никоҳ шартномаси, эр-хотиннинг мулкни тақсимлашга оид келишувлари, ота-оналик вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ва уларнинг электрон ҳужжатлаштирилиши ўртасидаги ҳуқуқий чегараларни белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади оилавий шартномаларни рақамлаштириш чегараларини аниқлаш, никоҳ шартномасининг янги нотариал тартибини баҳолаш ва низолар профилактикаси моделини таклиф этишдир. Формал-юридик таҳлил, тизимли талқин, ҳуқуқий моделлаштириш ва қиёсий-ҳуқуқий усуллар қўлланилди. Норматив манбалар сифатида Оила кодекси, электрон рақамли имзо, шахсга доир маълумотлар, медиация ва нотариатга оид ҳужжатлар ўрганилди [1–6, 14, 15]. Қиёслаш учун Буюк Британия ва Германия суд амалиёти ҳамда Эстония нотариати тажрибаси ўрганилди [16–18].

Оилавий муносабатлар рақамлашувини микро, мезо ва макро даражаларда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Микро даражада рақамли воситалар эр-хотиннинг кундалик мулоқоти, харидлар учун тўловлар, фарзанд таълими ва ўзгарувчан оилавий харажатларни келишиш амалиётига таъсир қилади. Мезо даражада нотариат, медиация, банк, таълим муассасаси ва электрон платформалар каби институтлар ўртасидаги муносабатлар янгиланади. Макро даражада эса давлатнинг рақамли инфратузилмаси, ҳуқуқий маданият, тенг имкониятлар, ахборот хавфсизлиги ва шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш сиёсати ҳал қилувчи омилга айланади. Ушбу даражаларни ажратиш рақамлаштиришни фақат хизматни интернетга кўчириш билан чекламасдан, унинг ҳуқуқ субъектлари ҳолатига таъсирини баҳолаш имконини беради.

Мазкур ёндашувнинг назарий асосларини рақамли социология соҳасидаги тадқиқотлар ҳам тўлдиради. Д. Луптон рақамли технологияларни кундалик ҳаёт, ижтимоий муносабатлар ва институтлар фаолиятига таъсир кўрсатувчи муҳит сифатида таҳлил қилади [9]. М. Мадиану ва Д. Миллернинг «полимедиа» концепциясида эса, жумладан, трансмиллий оилалар мисолида, мулоқот воситасини танлаш фақат техник имкониятга эмас, балки ўзаро муносабатларнинг ижтимоий ва ҳиссий мазмунига ҳам боғлиқ экани кўрсатилади [10]. Бу назарий хулосалар оилавий шартномаларни рақамлаштиришда интерфейс қулайлигини ҳуқуқий адолат ва тарафларнинг ҳақиқий келишуви билан биргаликда баҳолаш зарурлигини англатади.

Рақамли оилавий амалиётнинг яна бир йўналиши интернет орқали танишув, масофавий тўй маросими ва видеоконференцалоқа орқали диний никоҳ ўқиш каби ҳолатлар билан боғлиқ. Бу воқеликлар ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришини кўрсатса-да, уларнинг ҳуқуқий оқибатларини бир хил баҳолаш мумкин эмас. Диний никоҳ маросимининг онлайн ўтказилиши, ФҲДЁ органида никоҳни қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиш ва эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқларини белгилайдиган никоҳ шартномасини нотариал тасдиқлаш учта алоҳида масаладир. Оила кодексининг 13-моддасида белгиланган никоҳ тузиш тартиби билан 29–31-моддалардаги никоҳ шартномаси режими аралаштирилмаслиги шарт [1]. Айрим хорижий диний-ҳуқуқий қарашларда видеомулоқот орқали ижоб ва қабулнинг узлуксизлиги бўйича мунозаралар мавжудлиги миллий фуқаролик-ҳуқуқий шакл талабларини ўзгартирмайди.

Онлайн психологик маслаҳат, оилавий медиация ва масофавий ҳуқуқий хизматлар ҳам бир-биридан ажралиши лозим. Масалан, оилавий низо пайдо бўлганида электрон мулоқот воситаси тарафларга муаммони эртароқ муҳокама қилиш ёки мутахассисга мурожаат этиш имконини беради. Бироқ психологик консультация тарафлар учун юридик кучга эга никоҳ шартномасини тузмайди; медиация жараёнида эришилган келишувнинг ҳуқуқий оқибатлари эса махсус қонунчилик асосида баҳоланади. Ушбу фарқни сақлаш платформалар томонидан тақдим этиладиган хизматнинг мазмунини тўғри белгилаш, фойдаланувчини адаштирмаслик ва оилавий муносабатларнинг юридик шакли бўйича аниқ тасаввур яратиш учун зарур. Оилавий-ҳуқуқий шартномалар тушунчаси турли мазмундаги келишувларни қамраб олиши мумкин. Бироқ уларнинг ҳаммасини бир хил ҳуқуқий режимга бўйсундириш тўғри эмас. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 29-моддасига мувофиқ, никоҳ шартномаси никоҳланувчи шахслар ёки эр-хотиннинг никоҳ даврида ва ёки никоҳдан ажратилгандаги мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилайди [1]. Демак, бу шартнома, энг аввало, мулкий муносабатлар соҳасида қўлланилади. Фарзанднинг яшаш жойи, унинг кундалик тарбияси, ота-онанинг мулоқот жадвали ёки шахсий номулкий муносабатлар бошқа ҳуқуқий воситалар асосида ҳал қилинади; уларни никоҳ шартномасига механик киритиш қонунга мувофиқ эмас.

Оила кодексининг 30-моддаси никоҳ шартномасини никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ёки никоҳ даврида тузиш мумкинлигини, унинг ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши шартлигини белгилайди. 31-модда эр-хотинга мавжуд ёки бўлғуси мол-мулкнинг биргаликдаги, улушли ёхуд алоҳида режимига доир қоидаларни келишиш имконини беради. Айни вақтда мазкур модда ҳуқуқ ва муомала лаёқатини, судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чеклашга, болаларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни шартнома билан

белгилашга ҳамда эр-хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга тушириб қўювчи қоидаларга йўл қўймайди [1]. Шундай қилиб, оилавий шартномавий эркинлик мутлақ эмас; у шахс эркинлиги ва оила аъзоларининг қонуний манфаатлари билан чегараланган.

Шартнома эркинлиги ва оила аъзоларини ҳимоя қилиш нисбати суд амалиётида ҳам баҳсларга сабаб бўлади. Э. ва Р. Скотт никоҳни муносабатли шартнома деб талқин қилиб, тарафлар эркинлиги ва оилавий мажбуриятлар оқибатларини қиёслайди [7]. Буюк Британия Олий суди «Radmacher v Granatino» ишида ([2010] UKSC 42, 75-банд) никоҳ келишувига тарафлар эркин ва оқибатларини англаган ҳолда киришган бўлса, унга аҳамият бериш лозимлигини, бироқ адолатсиз натижага олиб келса, суд унинг шартларига боғланиб қолмаслигини кўрсатган [16]. Германия Федерал олий суди эса 2004 йил 11 февралдаги XII ZR 265/02-сон қарорда шартноманинг тузилиш вақтидаги мазмунини (§ 138 BGB) ва ундан кейин фойдаланишдаги суиистеъмолни (§ 242 BGB) алоҳида текшириш мезонларини белгилаган [17]. Бу тажриба миллий қоидаларни алмаштирмайди, аммо нотариал шаклнинг ўзи адолатлиликни кафолатламаслигини кўрсатади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида эр-хотин мулки таркибини баҳолаш ҳам мураккаблашади. Анъанавий кўчмас мулк, омонат ва улушлар билан бир қаторда домен номидан фойдаланишга оид ҳуқуқлар, онлайн хизмат кўрсатишдан тушган даромад, дастурий маҳсулотдан келиб чиқадиган мулкий ҳуқуқ, электрон ҳамёнлардаги маблағлар ва айрим рақамли активлар пайдо бўлади. Бундай объектнинг умумий ёки алоҳида мулкка мансублиги унинг номидан ёки техник шаклидан эмас, балки ҳуқуқий табиати, вужудга келиш вақти, маблағ манбаси ва амалдаги қонунчиликдаги чекловлардан келиб чиқиб аниқланиши керак. Никоҳ шартномасида «барча онлайн ҳисоблар бир тарафга ўтади» каби умумий ибора ҳуқуқий жиҳатдан ноаниқдир, чунки ҳисобдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳар доим ҳам ўтказиладиган мулкий ҳуқуқ билан бир хил эмас.

Шу муносабат билан рақамли мол-мулкни шартномада тавсифлашнинг дифференциацияланган усулини таклиф этиш мумкин. Аввало, мулкий қийматга эга бўлган ҳуқуқ ёки активнинг тури белгиланади; кейин унинг олиниш асоси, баҳолаш усули, тасарруф этишга оид чеклов ва шартнома тугатилгандаги ҳуқуқий оқибатлар кўрсатилади. Рақамли контент яратган эр-хотин учун муаллифликнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини мулкий фойдаланиш ҳуқуқларидан ажратиш айниқса муҳим. Бир тараф яратган контентдан олинган даромаднинг никоҳ давридаги ҳуқуқий режими алоҳида муҳокама қилиниши мумкин, аммо муаллифни унинг шахсий ҳуқуқларидан шартнома билан маҳрум қилиш мумкин эмас. Техник кириш пароллари ва махфий калитлар ҳам мулкий ҳуқуқ билан бир нарса эмаслиги ҳисобга олиниши лозим.

Оилавий бизнесга эга эр-хотинлар мисолида мазкур муаммо янада амалий тус олади. Корхона иштирокчисининг улуши, дивидендлар, корхонага берилган қарз ва корхонанинг ўзига тегишли активлар турли ҳуқуқий объектлардир. Шунинг учун эр-хотиннинг никоҳ шартномасида юридик шахс мол-мулкини гўё тўғридан-тўғри шахсий мол-мулк сифатида тақсимлаши учинчи шахслар манфаатларига дахл қилиши мумкин. Шартнома тарафлари корпоратив ҳуқуқлар, улардан келадиган даромад ва шахсий мажбуриятлар тақдирини аниқ белгилаши, юридик шахснинг мустақил мулкий мақомини ҳисобга олиши зарур. Бунда кредиторлар ҳимоясини назардан қочирмаслик керак: Оила кодексининг 35-моддаси никоҳ шартномаси тузилгани, ўзгартирилгани ёки бекор қилингани ҳақида кредиторни хабардор қилиш мажбуриятини назарда тутади [1].

Никоҳ шартномаси тузиш жараёнини рақамлаштириш масаласи шартнома мазмунини рақамлаштиришдан алоҳида баҳоланиши зарур. Масофадан туриб ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш, ҳуқуқий маслаҳат олиш ёки матнни таҳрир қилиш мумкинлиги унинг нотариал тасдиқланганини англатмайди. Ўзбекистонда 2026 йил 5 январда 3743-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган ва 7 январдан кучга кирган Низом никоҳ шартномасини нотариал идорада, видеоконференцалоқа орқали ёки сайёр тартибда расмийлаштиришни бевосита назарда тутади [2]. Бу норма манба матнда илгари сурилган масофавий тасдиқлаш ғоясининг муайян қисми қонунчиликда амалий ечим олганини кўрсатади; шу боис бугунги вазифа фақат

бундай имкониятни жорий этишни таклиф қилиш эмас, унинг ҳуқуқий кафолатларини таҳлил қилишдан иборат. 3743-сонли Низомга мувофиқ, видеоконференцалоқа орқали расмийлаштирилган никоҳ шартномасининг тасдиқловчи ёзувида бу ҳолат кўрсатилади, жараён эса «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимида аудио ва видеода қайд этилади [2]. Нотариус тарафларнинг шахсини, мақсадини, шартнома мазмунидан хабардорлиги ва мустақил иродасини текширади. Низомнинг 34 ва 36-бандларида тарафларни нотариус ҳузурига имзолаш учун таклиф этиш ва нусхаларни нотариус иштирокида шахсан имзолаш қоидалари ҳам мавжуд. Шу билан бирга, 2026 йил 5 январда 3742-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, 8 январдан кучга кирган «Нотариал ҳаракатларни видеоконференцалоқа режими орқали амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги умумий Низом нотариал идорага келмасдан мурожаат қилишни, «E-notarius.uz» ва «Нотариус» тизими орқали видеомулоқот, Face-ID идентификацияси ва ҳаракатни электрон қайд этишни назарда тутади [14]. Хусусан, унинг 26–27-бандларида видеоёзув масофавий нотариал ҳаракатни тасдиқлаш (имзолаш) асоси сифатида белгиланган. Демак, махсус Низомдаги шахсан имзолаш талаби билан масофавий тартибда видеоёзувнинг ҳуқуқий аҳамияти ўртасидаги нисбатни амалиёт учун бир хил тушунтириш зарур. Бу икки тартибни оддий видеоқўнғироқ ёки мустақил электрон имзо билан алмаштириб бўлмайди. Масофавий тасдиқлашнинг ишончлилиги айнан нотариуснинг ҳуқуқий текшируви, ҳужжатни расмийлаштириш усули ва қайдларнинг исбот қийматига боғлиқ. Махсус ва умумий нормаларни мувофиқ талқин қилиш мазкур масалада технологик қулайликни тарафлар ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари билан уйғунлаштириш имконини беради [2, 14].

Эстониянинг масофавий нотариат тажрибаси қиёсий аҳамиятга эга. E-notary тизими никоҳ мулкига оид шартномаларни ҳимояланган видеомулоқот ва электрон имзо билан тасдиқлаш имконини беради; нотариус бунга розилик бериш-бермасликни ўзи ҳал этади [18]. Аммо никоҳни тузиш ёки ажрашишнинг ўзи ушбу масофавий тартибда амалга оширилмайди. Демак, никоҳни рўйхатдан ўтказиш билан мулкий шартномани тасдиқлаш фарқланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорида тарафлар турли нотариал идораларда туриб видеоконференцалоқа орқали битим тасдиқлаши назарда тутилган [3]. 2026 йилги ҳужжатларда эркин ирода ва имзолаш тартибини аниқ талқин қилиш долзарб [2, 14].

Мазкур соҳадаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг тизимли хусусияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 9 сентябрдаги ПҚ-280-сон «Нотариат институтини янада ривожлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ҳам намоён бўлади. Қарорнинг 3-иловасида 2025–2027 йилларда видеоконференцалоқа режими орқали расмийлаштирилиши йўлга қўйиладиган нотариал ҳаракатлар режа-графиги тасдиқланган бўлиб, никоҳ шартномаларини масофадан тасдиқлашни жорий этиш муддати 2026 йил июнь ойи этиб белгиланган. Мазкур ҳолат нотариал фаолиятни рақамлаштиришда норматив-ҳуқуқий тартибни шакллантириш ва уни ташкилий-техник жиҳатдан амалиётга татбиқ этиш мустақил, бироқ ўзаро боғлиқ босқичлар эканини кўрсатади. Зеро, 2026 йил январь ойида тегишли низомларнинг кучга кириши масофавий нотариал ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаган бўлса, белгиланган режа-график электрон инфратузилма ва амалий хизмат кўрсатиш механизмларини босқичма-босқич ривожлантиришга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, никоҳ шартномаларини масофадан тасдиқлаш самарадорлигини баҳолашда фақат норматив имкониятнинг мавжудлиги эмас, балки электрон хизматлардан фойдаланиш имконияти, тарафларнинг процессуал ҳуқуқлари, маълумотлар хавфсизлиги ва нотариал ҳаракат натижасининг юридик ишончлилиги ҳам комплекс тарзда ҳисобга олиниши зарур [15].

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш ҳам оилавий шартномаларни модернизация қилишнинг муҳим йўналишидир. 2022 йил 12 октябрдаги «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ЎРҚ-793-сон Қонун электрон имзодан фойдаланишнинг умумий ҳуқуқий асосларини белгилайди [4]. Бироқ умумий электрон ҳужжат айланиши қоидалари махсус шакл талаб қилинадиган ҳар қандай оилавий битимни автоматик равишда ҳақиқий деб топишга

етарли эмас. Никоҳ шартномаси учун Оила кодексидаги нотариал шакл талаби ва махсус нотариал тартибот устувор аҳамиятга эга. Технологик ечимлар ҳужжатлар алмашинуви, лойиҳани келишиш ва маълумотларни сақлашни қўллаб-қувватлаши мумкин, лекин улар нотариусга юкланган ҳуқуқий текширув функциясини ўз-ўзидан алмаштирмайди. Биометрик идентификация эркин розиликни автоматик исботламайди. Иқтисодий устунлик ва психологик босим шартнома мазмунига таъсир қилади. 3742-сонли Низомнинг 20-бандига кўра, нотариус босим ёки кучли руҳий ҳаяжонланишдан шубҳаланса, ҳаракатни кечиктиради; 23-банд эса видеомулоқот вақтида тараф ёнида бошқа шахс бўлмаслиги ва хона 360 даража кўрсатилишини талаб этади [14]. Булар процессуал кафолатлардир, лекин иқтисодий қарамлик техник воситада тўла аниқланмайди. Шунинг учун ҳар бир тарафга лойиҳани олдиндан ўқиш, баҳсли бандлар бўйича мустақил савол бериш ва зарур ҳолда алоҳида ҳуқуқий маслаҳат олиш имконияти таъминланиши лозим. Шубҳа бартараф бўлмаса, нотариал ҳаракатни кечиктириш лозим.

Мазкур тадқиқотда никоҳ шартномасини рақамлаштириш шароитида шартномавий эркинлик ва ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини уйғунлаштирувчи «Ҳимояланган автономия» модели таклиф этилади. Модель уч таркибий қисмга асосланади: императив ҳимоя судга мурожаат қилиш ҳуқуқи, тарафларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, таъминотга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотиннинг ҳуқуқлари, болалар манфаатлари ҳамда ўта ноқулай шартларни тақиқлаш; диспозитив тартибга солиш эр-хотиннинг мавжуд ва бўлғуси мол-мулки, умумий харажатлари, рақамли активлардан олинадиган даромадлар ва бошқа мулкий мажбуриятларни келишув асосида белгилаш; процессуал кафолатлар нотариал текширув, электрон қайдларнинг ишончлилиги ва суд орқали ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш.

Моделни амалга ошириш учун уч босқичли ҳуқуқий текширув таклиф этилади: биринчидан, шартнома предмети ва шартларининг қонунчиликка мувофиқлигини; иккинчидан, тарафларнинг эркин, хабардор розилиги ва ҳуқуқий оқибатларни англаганлигини; учинчидан, нотариал расмийлаштириш, электрон маълумотлар хавфсизлиги ва ҳуқуқий ҳимоя имкониятларини баҳолаш. Бунда рақамли технологиялар нотариуснинг ҳуқуқий ваколатларини алмаштирмайди, балки уларни амалга оширишга кўмаклашади. Моделнинг илмий янгилиги мавжуд ҳуқуқий чекловларни такрорлашда эмас, балки шартномавий автономия, рақамли нотариал тартибот ва ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини ягона функционал механизмга бирлаштиришда ифодаланади. Зеро, шартноманинг электрон шакли ёки технологик тасдиғи унинг қонунга зид шартларини қонунийлаштирмайди. Шу боис никоҳ шартномаларини рақамлаштириш самарадорлиги уларнинг сони ёки расмийлаштириш тезлиги билан эмас, балки қонунийлиги, тарафлар иродасининг эркинлиги ва ҳуқуқий ҳимоянинг ишончлилиги билан баҳоланиши лозим.

Шартномаларни электрон сақлаш ва уларга кириш масаласи ҳам икки хил манфаатни мувофиқлаштиришни талаб этади. Бир томондан, электрон архив ҳужжат нусхасини йўқотиш хавфини камайтиради, унинг таҳрирлари тарихини назорат қилиш ва нотариал тасдиқ фактини текширишни енгиллаштиради. Иккинчи томондан, никоҳ шартномаси одатда мулк, даромад, қарз ва шахсий муносабатларга оид махфий маълумотларни ўз ичига олади. 2019 йил 2 июлдаги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги ЎРҚ-547-сон Қонун маълумотларни қайта ишлашнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳуқуқий асосларини белгилайди [5]. Шу боис оилавий шартномаларни рақамли сақлашда фақат техник шифрлаш эмас, балки маълумотлардан фойдаланиш мақсади, рухсат даражалари ва сақлаш муддатини ҳам аниқ белгилаш лозим.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлилда Европа Иттифоқининг 2016/679-сонли Умумий маълумотларни ҳимоя қилиш регламенти (GDPR) ҳам аҳамиятлидир. Унинг 5-моддасида маълумотларни муайян ва қонуний мақсадларда қайта ишлаш, зарур ҳажм билан чеклаш ҳамда уларни муҳофаза қилишга оид умумий тамойиллар мустаҳкамланган [11]. Ушбу регламент Ўзбекистоннинг миллий қонунчилиги ўрнига қўлланиладиган ҳужжат сифатида эмас, балки оилавий шартномаларнинг электрон архиви ёки келгусидаги реестри учун шахсий маълумотлар ҳимоясини лойиҳалашда фойдаланиш мумкин бўлган қиёсий тажриба сифатида қаралмоқда.

Никоҳ шартномаларининг махсус электрон реестри ҳақидаги таклифларга ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиш зарур. Реестр учинчи шахслар, хусусан кредиторлар учун ҳуқуқий аниқликни ошириши мумкин. Бироқ эр-хотиннинг тўлиқ исми, туғилган санаси, шахсий идентификатори ва шартнома мазмунини умумфойдаланишга очиш шахсий ҳаётга номутаносиб аралашувга олиб келади. Шунинг учун тадқиқотда икки поғонали ахборот модели мақбул деб ҳисобланади: давлат органлари ва ваколатли нотариуслар қонуний ваколати доирасида зарур маълумотларни олади; учинчи шахсларга эса фақат асосланган ҳуқуқий манфаат ва тегишли тартиб мавжуд бўлганда чекланган тасдиқ маълумотлари берилади. Реестрнинг тузилиши ва унга кириш тартиби алоҳида норматив асос талаб этади; бу таклифни мавжуд умумочиқ реестр борлиги ҳақидаги даъво сифатида талқин қилиш мумкин эмас.

Кредиторлар ҳимояси масаласида рақамли хабар бериш механизми шартноманинг махфий мазмунини очмасдан ҳам самарали бўлиши мумкин. Масалан, қонунчиликда назарда тутилган ахборот бериш мажбуриятини бажариш учун идентификацияланган адресатга ҳимояланган канал орқали хабар юборилиши, етказилган сана ва қабул қилинганлик факти қайд этилиши мумкин. Аммо бундай тизим эр-хотиннинг барча қарзлари ёки шахсий молиявий ҳужжатларини оммага тақдим этишни англатмаслиги лозим. Учинчи шахснинг талаб қилиш ҳуқуқи билан тарафларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ўртасида оқилона мутаносиблик сақланганда электрон хабардор қилиш воситаси ҳуқуқий ишончни мустаҳкамлайди. Унинг ҳуқуқий кучини белгилаш эса махсус тартибот ва исботлаш мезонларини талаб қилади.

Рақамлаштириш оилавий низоларнинг вужудга келиш шаклларини ҳам ўзгартиради. Онлайн харидлар, умумий электрон ҳисоблар, болаларнинг рақамли таълимига сарфланадиган харажатлар ва виртуал хизматлар бўйича абонент тўловлари оила бюджетида янги келишмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай низоларнинг бир қисми ҳуқуқий баҳсга айланмасдан аввал аниқ бухгалтерия ҳисоби, харажатлар тоифаси ва маълумотларга қонуний кириш тартиби билан ҳал этилади. Шунинг учун оилавий мулкий келишувларда мунтазам ахборот алмашиш усули, асосий молиявий қарорларни келишиш тартиби ва баҳс юзага келганда дастлабки мулоқот механизми белгиланиши мумкин. Аммо ўзаро назоратга оид шартлар шахснинг шахсий ҳаёти ва ёзишмалар сирини бузиши мумкин эмас.

Ота-оналарнинг ҳамкорликда фарзанд тарбиялашини қўллаб-қувватловчи рақамли платформалар алоҳида соҳани ташкил этади. Улар умумий тақвим, боланинг таълим ёки даволаниш билан боғлиқ харажатларини қайд этиш ва мулоқот журналини юритиш имконини беради. Хорижий амалиётда бундай ечимлар ота-оналар алоҳида яшаганда ташкилий келишмовчиликларни камайтириш мақсадида қўлланилади. Лекин уларнинг мавжудлиги ота-оналик ҳуқуқлари бўйича низо автоматик ҳал қилинганини англатмайди. Бола манфаати, ёши, хавфсизлиги ва унинг фикрини ҳисобга олиш зарурати ҳар қандай дастурий функциядан устун туради. Бу муносабатлар никоҳ шартномаси предметига кирмайди; уларни қонунга мувофиқ бошқа келишувлар, ваколатли органлар ёки суд қарорлари доирасида кўриб чиқиш зарур.

Болаларнинг рақамли муҳитдаги манфаатларини баҳолашда БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан 2021 йилда қабул қилинган 25-сонли умумий шарҳ ҳам муҳим услубий манба ҳисобланади. Унда болаларнинг рақамли муҳитдан фойдаланиш имкониятлари билан бир қаторда шахсий ҳаёт, ахборот хавфсизлиги ва зарарли таъсирлардан ҳимояланишга доир масалалар ёритилган [12]. Шу нуқтаи назардан, ота-оналарнинг рақамли платформадан фойдаланиш ҳақидаги ташкилий келишуви бола ҳуқуқларини чеклайдиган механизмга айланмаслиги, балки унинг ёши ва манфаатларини ҳисобга олган тартибни шакллантириши лозим.

Оилавий мулкий низолар учун медиация муҳим муқобил механизм ҳисобланади. Ўзбекистоннинг 2018 йил 3 июлдаги «Медиация тўғрисида»ги ЎРҚ-482-сон Қонуни оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга ҳам, қонунда белгиланган чекловларни инобатга олган ҳолда, медиация қўлланилишини назарда тутади [6]. Медиациянинг асосий тамойиллари - ихтиёрийлик, махфийлик, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва медиаторнинг

холислиги. Масофавий формат ушбу тамойилларни амалга оширишда қулайлик яратиши мумкин, аммо жараён иштирокчисининг алоҳида, хавфсиз муҳитда мулоқот қилиши, босимга учрамагани ва ахборотнинг махфий сақланиши текширилмаса, онлайн формат низонинг адолатли ҳал этилишига кафолат бермайди.

Оилавий шартномаларга низонинг олдини олишга қаратилган босқичли тартибни киритиш таклифи шу нуқтаи назардан аҳамиятли. Масалан, эр-хотин ўртасида муайян мулкий ҳисоб-китоб бўйича келишмовчилик пайдо бўлса, аввал ҳужжатлар билан ўзаро танишиш ва тўғридан-тўғри музокара, сўнг тарафлар ихтиёрий розилиги билан медиаторга мурожаат қилиш механизми белгиланиши мумкин. Онлайн низоларни ҳал этиш - ODR - ушбу жараёнда маълумот алмашиш, видеомулоқот ва келишув лойиҳасини шакллантиришни қўллаб-қувватлайди. Бироқ медиация ёки ODRни судга мурожаат қилишнинг мажбурий, мутлақ тўсиғига айлантириш мумкин эмас. Оила кодексининг 31-моддаси суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни шартнома билан чеклашга йўл қўймаслиги туфайли ҳар қандай босқичли тартиб қонуний ҳимоя усулларига эркин киришни сақлаши шарт [1].

Халқаро тажрибага мурожаат қилишда манбаларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ ифодалаш муҳим. UNCITRAL томонидан 2016 йилда қабул қилинган Онлайн низоларни ҳал этиш бўйича техник қайдлар тавсиявий ва мажбурий бўлмаган ҳужжат бўлиб, асосан электрон коммуникация орқали тузилган кам қийматли трансчегаравий савдо ёки хизмат шартномаларидан келиб чиқадиган низоларга қаратилган [8]. Шу сабабли мазкур қайдларни оилавий шартномаларни халқаро миқёсда автоматик тан олишни таъминловчи ҳуқуқий асос сифатида кўрсатиш тўғри бўлмайди. Бироқ улардаги онлайн мурожаатнинг очиқлиги, жараённинг тушунарлилиги ва техник ишончлилик каби ташкилий ғоялар оилавий медиация платформаларини лойиҳалашда қиёсий методик аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Сунъий интеллект оилавий шартномаларни тайёрлаш ва низоларни судгача ҳал этишнинг ёрдамчи воситаси сифатида ҳам кўриб чиқилиши лозим. Масалан, чат-бот фуқарога никоҳ шартномасини тасдиқлаш учун керак бўладиган ҳужжатлар рўйхатини тушунтириши, нотариал қабулга ёзилиш тартибини кўрсатиши ва шартнома лойиҳасидаги ноаниқ ибораларни белгилаши мумкин. Медиатор эса тарафлар тақдим этган ҳужжатларни тизимлаштириш ёки альтернатив ҳисоб-китоб вариантларини моделлаштиришда алгоритмдан фойдаланиши мумкин. Бироқ бундай воситаларнинг натижалари малакали ҳуқуқшунос, нотариус ёки медиатор қарорини алмаштирмаслиги керак. Айниқса, сунъий интеллектга киритиладиган маълумотлар оила сирлари, иқтисодий ҳолат ва вояга етмаганлар ҳақидаги ахборотни ўз ичига олса, уларни қайта ишлаш учун тегишли ҳуқуқий асос, махфийлик ва хавфсизлик талаб этилади.

Сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва ахлоқий чегараларини белгилашда ЮНЕСКОнинг 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган «Сунъий интеллект этикаси бўйича тавсия»сидаги инсон ҳуқуқларига ҳурмат, шаффофлик, инсон назорати ва масъулият тамойиллари эътиборга молик [13]. Мазкур тавсия тўғридан-тўғри нотариал ҳаракатларни тартибга солмайди, аммо виртуал ҳуқуқий ёрдамчи ишлаб чиқишда инсон мутахассисининг якуний назоратини сақлаш, алгоритмик хато эҳтимолини тушунтириш ва фойдаланувчи маълумотларини ҳимоя қилиш зарурлигини асослашга хизмат қилади.

Сунъий интеллект асосидаги нотариал виртуал ёрдамчи бўйича амалий таклифни уч вазифа доирасида чеклаш мақсадга мувофиқ. Биринчи вазифа — ахборот бериш: хизмат тури, ҳуқуқий шакл, тўлов ва қабул тартибини тушунтириш. Иккинчиси — навигация: фойдаланувчини расмий нотариал хизматга, электрон навбатга ёки ҳуқуқий маслаҳат манбасига йўналтириш. Учинчиси — тайёргарлик: шартномада муҳокама қилиниши керак бўлган мулкий масалаларнинг текширув рўйхатини шакллантириш. Виртуал ёрдамчи ҳуқуқий маслаҳатнинг аниқ манбаси ва санасини кўрсатиши, хатога йўл қўйилганда инсон мутахассисига ўтиш имкониятини бериши шарт. Унинг шахсий маълумотларни автоматик тўплаши ёки тарафлар учун мажбурий қарор қабул қилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Блокчейн ва «смарт-шартнома» технологиялари ҳам истиқболли, бироқ уларга нисбатан ҳуқуқий эҳтиёткорлик зарур. Блокчейн ҳужжатнинг муайян вақтда мавжуд бўлгани

ва унга ўзгартириш киритилган-киритилмаганини техник жиҳатдан текширишда қўлланилиши мумкин. Смарт-шартнома эса қонуний келишилган айрим молиявий амалларни, масалан, тўлов ҳақида автоматик эслатма юбориш ёки шарт бажарилганда маълум суммани ўтказиш жараёнини қўллаб-қувватлаши эҳтимол. Лекин кодга жойланган шарт ҳуқуқий ҳақиқийликка эга эканини автоматик равишда исботламайди. Шартномани ҳақиқий эмас деб топиш, тарафнинг аҳволи ўзгариши ёки ижрони тўхтатиш зарурати каби ҳолатлар алгоритмда олдиндан тўлиқ ифодаланмаслиги мумкин. Шунинг учун автоматлаштирилган ижро ҳуқуқий назорат ва инсон томонидан қайта кўриб чиқиш имконияти билан тўлдирилиши зарур.

Рақамли оилавий шартномаларнинг ҳақиқий самарадорлигини баҳолаш учун фақат транзакция тезлиги етарли мезон эмас. Ҳуқуқий самарадорлик ҳужжатнинг белгиланган шаклга мувофиқлиги, тарафлар унинг мазмунини тўғри тушунгани, шартларнинг адолатлилиги, маълумотларнинг муҳофаза қилингани ва низо юзага келганда ҳуқуқий ҳимоянинг ишлаши билан белгиланади. Ижтимоий самарадорлик эса нотўғри тушунишлар камайиши, ҳуқуқий хизматдан фойдаланиш имкониятининг кенгайиши ва сарф-харажатларнинг оқилона пасайиши билан баҳоланади. Бундай ўлчовларни амалий текшириш учун нотариал фаолият ва медиацияда анонимлаштирилган маълумотлар, фойдаланувчи тажрибаси ва такрорий низоларга оид тадқиқотлар зарур. Мазкур мақола бундай эмпирик маълумотларнинг тўлиқ тўпламини тақдим этмайди; унда норматив-ҳуқуқий модель ва уни қўллаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Миллий қонунчилик ва рақамли хизматлар ривожланиши ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олиб, қуйидаги йўналишлар устувор деб баҳоланади. Аввало, никоҳ шартномасининг намунавий электрон лойиҳалари Оила кодексининг 31-моддасидаги тақиқлар ва нотариал шакл талабини очиқ тушунтириши лозим. Кейин, рақамли активлар бўйича шартларда объектнинг иқтисодий қиймати, ҳуқуқий эгаси, тасарруф чекловлари ва баҳолаш қоидалари аниқ белгиланиши керак. Учинчидан, нотариал хизматларда видеоконференцалоқа ва электрон маълумот алмашишнинг расмий талаблари бир хил тушунтирилган фойдаланувчи йўриқномалари билан мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ. Тўртинчидан, медиатив ёрдам ва ODR воситалари ихтиёрийлик, махфийлик ҳамда суд ҳимоясига кириш кафолатлари асосида ишлаши лозим.

Бешинчидан, оилавий шартномаларнинг электрон архиви ва эҳтимолий реестрида маълумотларга кириш «зарур бўлган миқдордагина» тамойили билан чекланиши керак. Олтинчидан, нотариал виртуал ёрдамчи ва ҳужжат таҳлилида сунъий интеллектдан фойдаланиш инсоннинг мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини, маълумотлар хавфсизлигини ва натижани текшириш имкониятини сақлаши лозим. Еттинчидан, оилавий бизнесга оид мулкий шартларни тузишда эр-хотин манфаати билан юридик шахснинг мустақиллиги ва кредиторлар ҳуқуқлари фарқланиши зарур. Бу йўналишлар битта универсал рақамли шартнома моделини яратишни эмас, балки турли муносабатлар учун ҳуқуқий жиҳатдан фарқланган ва ўзаро мувофиқлашган воситалар тизимини шакллантиришни назарда тутади.

Тадқиқотда рақамлаштиришнинг мақсади оилани алгоритм билан бошқариш эмас, мулкий келишувни ҳуқуқий ҳимояланган шаклда расмийлаштириш экани асосланди. Никоҳ шартномасининг диспозитив имкониятлари болалар манфаати, шахсий ҳуқуқлар ва суд ҳимояси кафолатларини четлаб ўтолмайди. Англия ва Уэльс суд амалиёти шартнома эркинлиги адолатлилик текширувидан ажралмаслигини, Германия тажрибаси эса тузилиш пайтидаги ҳақиқийлик ва кейинчалик шартга таянишнинг оқилоналигини фарқлаш зарурлигини кўрсатади [16, 17]. Эстония мисоли масофавий нотариат технологик жиҳатдан амалий эканини, лекин нотариуснинг шахсий баҳолаши сақланишини тасдиқлайди [18]. Ўзбекистонда 2026 йилги 3742 ва 3743-сон низомлар ҳамда ПҚ-280-сон қарор масофавий нотариал ҳаракатлар учун ҳуқуқий ва ташкилий асос яратди [2, 14, 15]. Махсус имзолаш ва умумий масофавий тартиб нисбатини аниқлаштириш зарур. Шу асосда «Ҳимояланган автономия» модели шартноманинг предмети, хабардор розилик ва нотариал-исботлаш жараёнини ягона текширув механизмида бирлаштирувчи муаллифлик таклифи сифатида асосланади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли ҳуқуқий инфратузилмани ривожлантириш оилавий низоларни судгача бартараф этиш, ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш ва эр-хотиннинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш учун янги имкониятлар очмоқда. Бироқ ҳар қандай технология фақат тегишли ҳуқуқий шакл, ихтиёрийлик, маълумотларни ҳимоя қилиш ва тарафлар ўртасида адолатли мувозанат мавжуд бўлганда самарали воситага айланади. Шу боис оилавий шартномаларни такомиллаштиришнинг энг мақбул йўли рақамли воситаларни мустаҳкамлаш билан бирга ҳуқуқ субъектларининг мустақил иродаси, болалар манфаати, кредиторлар ҳуқуқлари ва суд назоратининг устуворлигини сақлашдир. Бундай ёндашув рақамлаштиришни ҳуқуқий ноаниқлик манбаидан оилавий муносабатлар барқарорлигига хизмат қиладиган институционал механизмга айлантириш имконини беради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, 1998 йил 30 апрель, 23–36-моддалар // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/104720

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 30 декабрдаги 33-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган «Нотариуслар томонидан никоҳ шартномаларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги низом (Адлия вазирлигида 05.01.2026 йил 3743-сон билан рўйхатга олинган) // URL: https://lex.uz/docs/7973712.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарори «Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида» // URL: https://lex.uz/docs/5109530.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ-793-сон Қонуни «Электрон рақамли имзо тўғрисида» // URL: https://lex.uz/docs/6234904.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон Қонуни «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида» // URL: https://lex.uz/docs/4396419.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сон Қонуни «Медиация тўғрисида» // URL: https://lex.uz/docs/3805227.

7. Scott E. S., Scott R. E. Marriage as Relational Contract // Virginia Law Review. 1998. Vol. 84, No. 7. P. 1225–1334. DOI: 10.2307/1073673. URL: https://scholarship.law.columbia.edu/faculty_scholarship/328/.

8. UNCITRAL. Technical Notes on Online Dispute Resolution. United Nations, 2016 // URL: https://uncitral.un.org/en/texts/onlinedispute/explanatorytexts/technical_notes.

9. Lupton D. Digital Sociology. 1st ed. London: Routledge, 2015. 236 p. DOI: 10.4324/9781315776880. URL: https://www.routledge.com/Digital-Sociology/Lupton/p/book/9781315776880.

10. Madianou M., Miller D. Polymedia: Towards a new theory of digital media in interpersonal communication // International Journal of Cultural Studies. 2013. Vol. 16, no. 2. P. 169–187. DOI: 10.1177/1367877912452486. URL: https://doi.org/10.1177/1367877912452486.

11. Regulation (EU) 2016/679 of the European Parliament and of the Council of 27 April 2016 (General Data Protection Regulation), Art. 5 // Official Journal of the European Union. 2016. L 119. P. 1–88. URL: https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2016/679/oj .

12. UN Committee on the Rights of the Child. General comment No. 25 (2021) on children’s rights in relation to the digital environment. UN Doc. CRC/C/GC/25, 2 March 2021. URL: https://digitallibrary.un.org/record/3906061.

13. UNESCO. Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence. Adopted on 23 November 2021. Paris: UNESCO. URL: https://www.unesco.org/en/legal-affairs/recommendation-ethics-artificial-intelligence.

14. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 30 декабрдаги 29-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган «Нотариал ҳаракатларни видеоконференцалоқа режими орқали амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2026 йил

5 январда 3742-сон билан рўйхатга олинган) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/7976742 (мурожаат санаси: 02.11.2026).

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 9 сентябрдаги ПҚ-280-сон «Нотариат институтини янада ривожлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/7722035 (мурожаат санаси: 02.11.2026).

16. Radmacher (formerly Granatino) v Granatino [2010] UKSC 42, Supreme Court of the United Kingdom, judgment of 20 October 2010, para. 75. URL: https://www.supremecourt.uk/cases/uksc-2009-0031.

17. Bundesgerichtshof (Germany). Urteil vom 11.02.2004, XII ZR 265/02, BGHZ 158, 81 (Inhaltskontrolle von Eheverträgen) // Deutsche Rentenversicherung Rechtsportal. URL: https://rvrecht.deutsche-rentenversicherung.de/SharedDocs/rvRecht/06_Urteile/BGH/2004/urt_bgh_2004_02_11_xiizr265_02.html.

18. Estonian Chamber of Notaries (Notarite Koda). Remote authentication: Marital property contracts. Official guidance. URL: https://www.notar.ee/en/professional-acts/remote-authentication/.

Tadqiqot uz

ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo‘yilgan talablar:

1. *Maqola o‘zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig‘ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo‘lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo‘lib, satrlarni eniga to‘g‘irlash, so‘zlarni boshqa qatorga ko‘chirish avtomatik tarzda bo‘lishi lozim.*
2. *Birinchi qator o‘ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahafaning o‘rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma’lumotlar o‘zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.*
3. *Keyingi qatordan o‘zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o‘zbek, ingliz va rus tillarida so‘zdan iborat annotatsiya beriladi.*
4. *Keyingi qatordan 6-10 ta o‘zbek, ingliz va rus tillarida kalit so‘zlar beriladi.*
5. *Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so‘zi minimal 2000 ta bo‘ladi.*
6. *Adabiyotlarning to‘liq ro‘yxati asosiy matndan so‘ng alifbo tartibida ko‘rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].*
7. *Maqolada keltirilgan dalillarning to‘g‘riligi uchun muallif mas’ul, plagiat holati taqiqlanadi.*
8. *Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.*

Требования к оформлению научной статьи:

1. *Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.*
2. *В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.*
3. *Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.*
4. *Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.*
5. *Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.*
6. *Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, С.25].*
7. *Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.*
8. *Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.*

Requirements of the articles submitted:

1. *Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.*
2. *In the first line on the right: the author’s surname, given name and patronymic; in the second line: the author’s affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.*
3. *Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.*
4. *Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.*
5. *Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.*
6. *The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].*
7. *The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.*
8. *It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.*